

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**402 Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 3-бандига ўзгартириш кiritиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2452-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сонли «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Техника техник кўриқдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан:

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналарга — 0,18;

қишлоқ хўжалиги машиналарига — 0,10;

машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарига — 0,37 миқдорда йиғим ундирилади.»

2. Мазкур буйруқ «Ўзагромашсервис» уюшмаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. ТЕШАЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 23 июль,  
14-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*

**30 (686)-сон**

**— 35 —**

**402-403-моддалар**

*Келишилган:*

*«Ўзагромашсервис»  
уюшмаси раиси*

*2015 йил 13 июль*

*Ўзбекистон Фермерлари  
кенгаши раиси*

*2015 йил 13 июль*

**Б. АБДУҚОДИРОВ**

**С. ТУРДИЕВ**